

Фил. - 410

# МАҲСУЛОТ ОЛДИ - СОТДИ

## Шартномаси № 0209

Тошкент ш.

« 24 » январь 2022 йил

«RADIKS» масъуляти чекланган жамияти бундан буён **СОТУВЧИ** деб номланувчи, 05.01.2022-йилдаги 001-сонли ишончномага асосан иш юритувчи Директор Каримов А.А бир томондан ва Мазкур баҳоси ва баҳоси билан шартнома ТТЕСМ бундан буён **ХАРИДОР** деб номланувчи, Низомига мувофиқ иш юритувчи \_\_\_\_\_ иккинчи томондан, мазкур шартномани қуйидаги мазмунда туздик:

### 1. ШАРТНОМА МАҚСАДИ.

- 1.1. Сотувчи мазкур шартномада белгиланган муддатларда товарни етказиб бериш, харидор эса товарни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини оладилар.
- 1.2. Товарнинг номи, ассортимент, баҳоси ва сони бўйича томонлар келишиб оладилар ва мазкур шартноманинг бевосита қисми бўлган ҳисоб – фактураси ёки спецификацияда қайд этадилар.
- 1.3. Сотилаётган товарнинг сифати ва комплектлиги корхонанинг фармокопия мақоласи (ФСП) дори воситаси учун фармокопия кўмитаси томонидан тасдиқланган норматив техник ҳужжатига ҳамда товар ишлаб чиқарувчи корхона сифат сертификатига мос бўлиши керак.

### 2. БАҲО ВА ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

- 2.1. Шартноманинг қиймати 35 554 000 (УТТИЗ БИНА МОЛЛИСОН БИНА) сўмни ташкил қилади (товарнинг баҳоси унинг турига қараб, ҚҚС билан ёки ҚҚС-сиз шартнома қийматини ташкил қилади ва тегишли ҳисоб-фактурада кўрсатилади).
- 2.2. Маҳсулот баҳоси келишилган нархларда. Нарх шартнома амал қилиш муддати ичида қайта кўриб чиқилиши ва ўзгартирилиши мумкин.
- 2.3. Сотилган товар учун ҳисоб-китоб Сотувчи ҳисоб рақамига пул ўтказиш йули билан амалга оширилади.
- 2.4. Сотувчи сотаётган маҳсулотлар нархлари учун молиявий чегирма бериш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

### 3. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ ТАРТИБИ.

- 3.1. Товар учун пул маблағлари Сотувчи ҳисоб рақамига келиб тушган кундан бошлаб 5 (беш) кун давомида Сотувчи корхона томонидан ишлаб чиқарилган, корхона омборида мавжуд бўлган тайёр дори дармон маҳсулотлари Харидор томонидан ўз кучи ва транспорти билан олиб кетилади.
- 3.2. Харидор олаётган маҳсулотни Сотувчи омборида маҳсулотнинг сифати, сони, синган-синмаганини, яроқчилиги ва бошқа жиҳатларини тўлиқ текшириб олиш мажбуриятини олади.
- 3.3. Маҳсулот Сотувчи омборидан чиқиб кетгандан сўнг маҳсулотнинг сони, сифати, синган-синмаганига «Сотувчи» жавоб бермайди.
- 3.4. Хар ойнинг биринчи ва охириги иш кунлари корхона омборонасидан тайёр дори дармон маҳсулотлари сотилмайди.
- 3.5. Товарни олаётган Харидор маҳсулотни Сотувчидан олиб кетиш вақтида сақлаш, ташиш тартибига амал қилмасдан транспортировка қилиши, маҳсулот сифати билан боғлиқ оқибатларига жавобгар ҳисобланади.

### 4. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ.

- 4.1. Харидор берилган ҳисоб-фактурасига асосан 3 (уч) банк кунидан олинаётган товарнинг 30 % миқдоридан олдиндан сотувчининг ҳисобрақамига пул ўтказиш мажбуриятини олади. Олинган маҳсулот қийматининг қолган 70 % ни тўлаш ёзилган ҳисоб фактурасига асосан 30 кун мобайнида ўтказилиши шарт.
- 4.2. Харидор Сотувчи томонидан тақдим қилинган прайс вароғида мавжуд бўлган дори воситаларига буюртма беради.
- 4.3. Харидор, мазкур шартномани тузиш вақтида ўзининг улгуржи ёки чакана савдо қилиш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаларига эга эканлиги тўғрисидаги маълумотларни, рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, корхона раҳбарининг паспортдан нусха, назорат касса машинасининг рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни тақдим этиш мажбуриятини олади.

### 5. ТОМОНЛАР ҲУҚУҚИ ВА ЖАВОБГАРЛИГИ.

- 5.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва шу шартномада кўзда тутилган тартибга мазкур шартнома шартларини бузган томон, шу туфайли етказилган зарарни шу жумладан олинмай қолган фойда миқдорини тўлиқ қоплайди.

